**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУБЕДИНОВА ЭЛЬНАРА РАФИКОВНА**

# ОҒЗАКИ ТАРЖИМАГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИДА МУЛЬТИМЕДИА МАЖМУАСИ

**(ЎЗБЕК-РУС ВА РУС-ЎЗБЕК ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

## Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

## Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

**Кубединова Эльнара Рафиковна**
Оғзаки таржимага ўқитиш тизимида мультимедиа мажмуаси (ўзбек-рус ва рус-ўзбек таржималари мисолида).....3

**Кубединова Эльнара Рафиковна**
Мультимедийный комплекс в системе обучения устному переводу (узбекско-русский, русско-узбекский перевод).....24

**Kubedinova Elnara Rafikovna**
Multimedia complex in the system of teaching interpretation (uzbek-russian and russian uzbek translations) …….....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....50

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУБЕДИНОВА ЭЛЬНАРА РАФИКОВНА**

# ОҒЗАКИ ТАРЖИМАГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИДА МУЛЬТИМЕДИА МАЖМУАСИ (ЎЗБЕК-РУС ВА РУС-ЎЗБЕК ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Ped2860 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsuull.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Сайфуллаев Анвар Исламович**
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:** **Мухамедова Саодат Худойбердиевна**
филология фанлари доктори, профессор

**Утенбаева Гульжазира Мухтаровна**
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат чет тиллари институти**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «4 » ноябрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (228 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (www.tsuull.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «21» октябрь да тарқатилди.

(2022 йил 21 октябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Б. Йўлдошев**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Қ. У. Пардаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**С. Аширбоев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот технологиялари тараққиёти, иқтисодий алоқалар, оммавий ахборотлашув ва глобаллашув асрида таржимонларнинг мамлакат ва халқлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда асосий боғловчи омил бўлганликлари боис таржима соҳаси, хусусан, таржимонликка, таржимонларни етук кадр сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, оғзаки таржимага ўқитиш амалиётида АҚШнинг янги инновацион усуллари, Франциянинг методикалари, Германиядаги синхрон таржимага оид тадқиқотлари, Россияда кетма-кет ва синхрон таржимонликка ўқитиш методикаларини ривожлантириш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунё амалиётида оғзаки таржимани ўқитиш жараёнини инновацион технологиялар ёрдамида такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар Олий таржимонлик мактаби, янги методикалар қўлланишининг назарий асослари ёзма ва оғзаки таржимонларни тайёрлаш, оғзаки таржима жараёнида тинглаш, сўзлаш, қобилиятларни ривожлантириш усуллари, инновацион ёндашув асосида оғзаки таржимани ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу жараённи янада такомиллаштириш долзарб вазифалардандир.

Республикамизда дунёнинг илғор мамлакатлари билан мулоқот қилиш, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш устувор вазифасига айланган бўлиб, бу ўз навбатида, соҳа мутахассислари олдига янги-янги талаблар қўймоқда. Таржимонлар турли хорижий тилларни эгаллашдан аввал ўз она тилларини мукаммал билишлари, мазкур тилдаги оғзаки ва ёзма матнларни бошқа тилларга таржима қилишда малака ва тажрибага эга бўлишлари, бунинг учун эса бўлажак таржимонларнинг оғзаки таржима кўникмаларини такомиллаштириш бўйича оғзаки таржиманинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, мазкур йўналишдаги дидактик таъминотни такомиллаштириш: мультимедиа маҳсулотларини яратиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни татбиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар асосида бўлажак таржимонларни ўзбек-рус, рус-ўзбек оғзаки таржимага самарали ўқитишнинг замонавий усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ўзбек-рус, рус-ўзбек оғзаки таржимага ўқитишда бўлажак таржимонларнинг кўникмаларини такомиллаштириш ҳамда инновацион методлар асосида ўқув жараёни самарадорлигини ошириш масаласи ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2008 йил 15 июлдаги

ПҚ-916-сон “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сонли “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда оғзаки таржима ва таржимашуносликни ўқитиш масалалари И. Ғофуров, О. Мўминов, Н. Қамбаров[1], Қ. Мусаев[2], Ж. Шарипов, Э. Муратова, Д.Джуманова, Д.Хашимова, Э. Эркаев, М. Ирискулов, И.Тухтасинов, Г. Ирмухамедова, Л. Ахмедова, И. Мирзо, М. Джусупов, Г.Бакиева[3]; инновацион педагогик технологиялар муаммолари Ш.И.Бобохуджаева, З.Ю.Юлдашева, М.В.Кларина, Х.А.Маматкулов, И. Гофуров, О. Муминов, Н. Қамбаров[4], А. Сайфуллаев, А.Л. Семенов, В.П. Беспалько, А.В. Литвинов И.И. Кобыльская, А.И. Бартоломе, С.В. Титова, О.В. Осокина, В.Л. Сидорова, И.В. Касьянова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида таржима назарияси ва амалиётини ўқитиш, оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштириш муаммолари Р.К. Миньяр-Белоручев, Л.К. Латышев, Л.С. Бархударов, Я.И. Рецкер, М.Я. Цвиллинг[5], И.С. Алексеева[6], А.П. Чужакин[7], Д.И.

---

[1] I.G‘afurov, O.Mo‘minov, N.Qambarov. Tarjima nazariyasi: Oliy o‘quv yurtlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2012. – 216 b.

[2] Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. – 352 б.

[3] Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. – Ausbage, 3-2018. – P. 49-5; Ахмедова Л.Т. Личностно – ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений // Conf. Fledu.uz.; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане // Русский язык за рубежом / специальный выпуск / 2017. С. 50–57; Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дис. докт. фил.наук. – Ташкент, 2016. – 266 с.; Хашимова Д.У.

[4] I.G‘afurov, O.Mo‘minov, N.Qambarov. Tarjima nazariyasi: Oliy o‘quv yurtlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2012. – 216 b.

[5] Цвиллинг М.Я. О переводе и переводчиках. – М: Восточная книга, 2009. – 286 с.

[6] Алексеева, И. С. Введение в переводоведение: учебное пособие для студентов учреждений высшего профессионального образования / И. С. Алексеева; Филологический факультет Санкт-Петербургского государственного университета. – 6-е изд., стер. – Москва; Санкт-Петербург: Академия: Филологический факультет СПбГУ, 2012. – 359 с.

[7] Чужакин А.П., Спирина С.Г. Основы последовательного перевода и переводческой скорописи. – М.: Экспримо, 2007. – 88 с.

Ермолович[8], В.С. Виноградов[9], В. Н. Комиссаров[10], М.А. Загот,[11] М.В. Вербицкая, Т.Н. Беляева каби олимлар томонидан ўрганилган, таржима компетенциялари предметини ўрганиш бўйича А.В. Гребенщикова, Т.В. Ларина, Н.Н. Гавриленко А. Рут каби олимлар томонидан тадқиқот олиб борилган.

Оғзаки таржимага ўқитиш методикаларини яратиш масалалари П. Ньюмарк, Д. Робинсон[12], C. Goff-Kfouri, О.Г. Оберемко, R. Chriss, H.C. Barik, P. Kornakov, Н.Ф. Михеева[13], мустақил ишларни ташкил этиш, шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш методикалари Н.М. Мекеко[14], Д.М. Жарылгапова, М.А. Майорова каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзбек-рус, рус-ўзбек оғзаки таржимага ўқитишда бўлажак таржимонларнинг кўникмаларини ривожлантириш, соҳага оид дидактик таъминотни ишлаб чиқиш назарияси ҳамда ундан фойдаланиш методикаси масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оғзаки таржимага ўқитиш тизимида мультимедиа мажмуасини яратиш ҳамда оғзаки таржимага ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оғзаки таржима жараёнида инновацион методларни қўллаш бўйича хорижий мутахассисларнинг тажрибаларини ўрганиш ва “Мультимедиа мажмуаси”ни яратишнинг назарий асосларини тавсифлаш, қардош бўлмаган икки ўзбек ва рус тилининг лингвистик хусусиятларини тавсифлаш, оғзаки таржима жараёнида шу туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ўрганиш ва уни бартараф этиш йўлларини белгилаш;

ўзбек-рус ва рус-ўзбек таржима йўналишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда оғзаки таржимага ўқитиш жараёнида зарур бўладиган асосий кўникмаларни аниқлаш ва уларни лингводидактик жиҳатдан асослаб бериш;

---

[8] Ермолович Д. И. Русско-английский перевод. Учебник. Методические указания и ключи к учебнику. – М: Auditoria, 2016 г. –784 с.

[9] Виноградов, В. С. Перевод. Общие и лексические вопросы: [учебное пособие] / В. С. Виноградов. – 3-е изд. – Москва: Университет, 2006. – 236 с.

[10] Комиссаров, В. Н. Теория перевода (лингвистические аспекты): учебник / В. Н. Комиссаров. – Репринтное воспроизведение издания 1990 г. – Москва: Альянс, 2013. – 253 с.

[11] Загот М.А. Пособие по экономическому переводу на материале фильма "Деньги не спят". Для студентов старших курсов переводческих факультетов. – М., 2019. – 59 с.

[12] Робинсон, Д. Как стать переводчиком: введение в теорию и практику перевода = Becoming a Translator: An Introduction to the Theory and Practice of Translation: учеб. пособие / Д. Робинсон, Д. А. Туганбаев, Н. Г. Шахова; пер. с англ. М. В. Скуратовская. – 2-е изд. – Санкт-Петербург: Кудиц-Образ, 2005. – 304 с.

[13] Михеева Н.Ф. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие / 2-е изд. − М.: Изд-во РУДН, 2010. − 76 с.

[14] Мекеко Н.М. Организация самостоятельной работы и контроля при обучении ино странному языку студентов заочного отделения. Статья в сборнике: «Полилингвиальность и транскультурные практики», 2007.

оғзаки таржима жараёнида маҳоратини ривожлантиришга ёрдам берадиган машқларни жамлаш ва уларни самарадорлик нуқтаи назаридан таснифлаб чиқиш;

“Мультимедиа мажмуаси”ни масофавий таълим тизимидаги ролини аниқлаш, масофавий ўқитиш элементлари воситаси сифатида ўрганиш, унинг тузилиши ва таркибини ишлаб чиқиш;

тажриба-синов орқали оғзаки таржимага ўқитиш жараёнида “Мультимедиа мажмуаси”дан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Таржима назарияси ва амалиёти" (ўзбек-рус ва рус-ўзбекча таржима) мутахассислиги бўйича талабаларнинг оғзаки таржимага ўқитиш жараёни белгиланади.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек-рус, рус-ўзбек йўналиши талабаларининг оғзаки таржимага оид кўникмаларини “Мультимедиа мажмуаси” орқали такомиллаштириш мазмуни, шакли ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлилий ва тавсифловчи, ижтимоий-педагогик, эксперименталь, қиёсий, статистик каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қардош бўлмаган икки тилнинг грамматик қурилишидан келиб чиқиб таржима фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган грамматик ва синтактик муаммолар лингвистик, психологик, ўқув-методик адабиётлар орқали аниқланган, ушбу муаммоларни “Мультимедиа мажмуа”си таркибидаги компонентлар (грамматик ва лексик машқлар)ни қўллаган ҳолда бартараф этишнинг педагогик аспектлари такомиллаштирилган;

оғзаки таржимада ажратилган кўникмалар асосида (эшитиш, эслаб қолиш, сўзлаш), мия фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эвристик, адаптив, лексик ва грамматик, лингвистик, коммуникативликни оширувчи, нутқга оид, эшитиш ва эслаб қолиш кўникмаларини шакллантирувчи машқлар лингводидактик имкониятлар асосида очиб берилган;

илғор хорижий тажрибалар, инновацион ва мультимедиа технологияларини қўллаш орқали янги ёндашув ва ечимлар асосида таржимага ўқитишнинг “Мультимедиа мажмуаси” яратилган ва уни жорий этиш бўйича дарсларни электрон мосламаларга кўра ўқитиш методикаси тарихийлик ва замонавийлик тамойилларига кўра такомиллаштирилган;

бўлажак ўзбек-рус, рус-ўзбек таржимон мутахассисларини касбий компетент мутахассис сифатида тайёрлашда “Мультимедиа мажмуаси”ни яратиш ва мажмуага “Jeopardy.lab”, “Kahoot”, “Google forms” (тест), “ўзбекча-русча” онлайн луғатлар каби замонавий дастурларни киритиш орқали уларнинг билими ва сўз бойлигини ошириш, таффаккурни кенгайтириш ҳамда медиасаводхонлик кўникмаларини ўзаро оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларига оғзаки таржимани ўргатишда инновацион технологиялар ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган;

анъанавий шаклда ва масофавий таълим шаклида ҳам оғзакини самарали ўргатиш воситаси сифатида ўз ичига машқлар, матнлар, аудио, видео маълумотларини олган “Мультимедиа мажмуаси” яратилган;

таржима йўналишлари мавжуд бўлган олий ўқув юртлари талабаларига таржимани ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган ва бўлажак ўзбек-рус, рус-ўзбек таржимон мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлаш билан бирга оғзаки таржимага хам ўқитиш малакасини ошириш шакллари, методлари ва воситалари ишлаб чиқилган;

оғзаки таржима фаолиятида зарур бўлган: тинглаш, эслаб қолиш, гапириш каби учта асосий кўникмалар аниқланган ва асослаб берилган;

талабаларнинг оғзаки таржима вақтида зарур бўлган эшитиш, эслаб қолиш ва гапириш малакаларини ривожлантирувчи машқлар таснифи келтирилган;

машқлар таснифи асосида “Таржима назарияси ва амалиёти” (ўзбек-рус, рус-ўзбек) йўналиши талабалари учун “Таржима назарияси ва амалиёти” дарсларида қўлланиладиган “10 практических занятий устного первода” номли ўқув-методик қўлланма ишлаб чиқилган;

“Мултимедиа мажмуаси” ҳар хил турдаги дарслар (маърузалар, семинарлар) амалий машғулотларда фойдаланиш учун, ушбу мажмуа яратиш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишида ишончли манбаларга ёндашувлар, методлар ва назарий маълумотларнинг қўлланилганлиги, ўтказилган таҳлил ва муҳокамаларнинг асослантирилганлиги, экспериментал ишнинг самарадорлиги, математик статистика методлари, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак таржимонларни оғзаки таржимага ўқитишда “Мультимедиа мажмуаси” ни яратиш йўлларини ишлаб чиқиш, натижада мажмуада келтирилган кўникмаларни такомиллаштириш усуллари, йўлларини жорий этилиши асосида таълим сифати кўрсаткичларининг ошиши билан бирга олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимидаги таржимашуносликнинг зарур йўналишлари ва фанларида бундай “Мультимедиа мажмуа”ларини яратиш имконияти, бу эса ўз навбатида дастурлари, усуллари, ўқув дастурлари ва хорижий тилларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Замонавий ёндашувга мувофиқ мажмуа курс мазмуни ва “Таржима назарияси ва амалиёти” фанини бойитади, шунингдек, талабаларнинг фикрлаш ва нутқ қобилиятларини ривожлантиришга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оғзаки таржимага ўқитиш тизимида Мультимедиа мажмуаси (ўзбек-рус ва рус-ўзбек таржималари мисолида) мавзусида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ўзбек ва рус тилларида оғзаки таржима фаолиятидаги кўникмаларини (тинглаш, ёдлаш, гапириш) ривожлантириш учун хизмат қилувчи танланган ва таснифланган машқлар ҳамда ушбу тадқиқотнинг илмий-услубий

ишланмаларидан Алишер Навои номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган Бв-Атех-2018-(251+143) рақамли “Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” (2017-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 22 июндаги 04/1-2120-сон маълумотномаси). Натижада дарслар жараёнида оғзаки ва ёзма нутқ кўникмалари такомиллаштирилган ва эшитиш, хотирада сақлаш ва гапириш қобилиятлари ривожлантирилган;

қардош бўлмаган тилларнинг тил хусусиятидан келиб чиқиб ўзбек тилидан рус тилига тилшунослик терминларни таржима қилиш йўлларини таржима жараёнида юзага келадиган хато ва муаммоларни “Мультимедиа мажмуа” си таркибидан ўрин олган қўшимча грамматик ва лексик машқлар ва тадқиқотни назарий хулосалардан манба сифатида Эразмус+ 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” номли лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган. (Самарқанд чет тиллари институтининг 2022 йил 23 июндаги 1848/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада масофавий таълим учун электрон маҳсулот ишлаб чиқиш алгоритмини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган;

“Мультимедиа мажмуаси” илмий тавсифи, унинг шу каби электрон қўлланмаларини яратиш намунаси сифатида амалий аҳамиятлилиги, шунингдек, мажмуадаги келтирилган элементларга доир хулосалардан “Ёшлар” телерадиоканалининг “Талабалар вақти”, “Оқшомга қадар” дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телерадиоканалининг 2022 йил 25 февралдагин №14-03-67-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиттиришлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган;

“Мультимедиа мажмуаси” ва ундаги ишлаб чиқилган машқлар матнлар, аудио, видео лавҳалар ва таълим сифатини такомиллаштиришга қаратилган хулосолардан “Dunyo bo’ylab” телеканалининг “Янги ренессанс ёшлари” кўрсатувида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo’ylab” телеканалининг 2022 йил 28 июндаги №03-14-159-сон маълумотномаси). Натижада эфирга узатилиши мамлакатимиз аҳолисини таълим жараёнидаги бўлаётган ислоҳотлар ва ўқув жараёнида қўлланилаётган янги инновацион воситалар билан яқиндан таништириш, уларда таълимга бўлган ишончни ва қизиқишни оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та республика ҳамда 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссетациянинг **“Мультимедиа мажмуаси” ёрдамида оғзаки таржимага ўқитишни ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таржимага оид асосий тушунчалар, оғзаки таржима хусусиятлари ва турлари, қардош бўлмаган иккита тилнинг лингвистик хусусиятлари, “Мультимедиа мажмуаси” ни яратишнинг назарий асослари кўриб чиқилди.

Мазкур бобнинг *“Оғзаки таржиманинг хусусиятлари ва унинг турлари”*деб номланган биринчи фаслида оғзаки таржиманинг умумий тушунчаси, оғзаки таржиманинг ўзига ҳос хусусиятлари (оғзаки таржимани тезлиги, тез ёзиш усуллари ва бошқалар) ва унинг турлари тўғрисида таниқли олимларнинг фикри берилган.

Ҳар қандай таржима ҳар доим субъективликка дуч келади. Асл матнни таҳлил қилиш жараёнида асосий фикрлар пайдо бўлади, улар кейинчалик таржимоннинг онгида битта умумий семантик кўринишга айланади ва кейинги янги нутқда шакл берилади. А.Р. Лурияниинг фикрича: “Шакллантириладиган фикр доимо субъективдир”[15]. Фикрларнинг равшанлиги ва аниқлиги юқори сифатли таржима ҳосил бўлишига олиб келади ва бу ҳар бир таржимоннинг маъсулияти ҳисобланади.

Таржимонлик касбида ривожлантиришни талаб этадиган асосий кўникма ва қобилиятлар қуйидагилардир: эшитиш ва тушуниш, эслаб қолиш (хотирлаш), гапириш, яъни ораторлик қобилиятлари, зукколик ва бошқа кўникмалар. Оғзаки таржима кўплаб мезонларга: таржима қилинаётган тилларнинг хусусиятлари, бериладиган материаллар ва таржимонга яратилган шароитларга боғлиқ. Ушбу кўникмаларнинг барчаси таржиманинг барча тоифаларида, айниқса оғзаки таржима учун муҳимдир.

Оғзаки таржима қуйидаги турларга бўлинади: синхрон таржима; “шуштаж” (шивирлаш); кетма-кет таржима; ибора таржимаси; “варақдан” таржима. Барча турларнинг хусусиятларига оид маълумотлар диссертацияда келтирилган.

---

[15] Лурия А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. Изд. 3 URSS. 2009. – 256 с.

Л.С. Бархударов ўзининг “Тил ва таржима: таржиманинг умумий ва алоҳида назарияси масалалари”[16] номли китобида ҳам ушбу таснифни таклиф қилади, аммо таржима қилиниши керак бўлган матннинг тилшунослик ҳусусиятларига ҳам аҳамият қаратиш зарурлигини қайд этиб ўтган.

Биринчи бобнинг *“Оғзаки таржима соҳасидаги бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциялари”* деб номланган фаслида бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлигининг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилиб, уларга асосланган ҳолда бўлажак таржимонларнинг ўқитиш стратегиясининг тузилиши таснифланган.

Б.А. Бенедиктов, П.Мид, Л.Л. Нелюбин ва бошқа тадқиқотчиларнинг аксарияти учун оғзаки таржима профессионал даражадаги фаолиятнинг махсус тури сифатида тақдим этилади, бу нутқни эшитиш давомида қисқа ёзувларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён деб саналади[17].

“Ҳар қандай таржима фаолиятининг хусусияти унинг нутқ фаолияти турига боғлиқдир”. Т. Серова томонидан таклиф қилинган таржиманинг талқинига, яъни: “Оғзаки таржима – бу уч ёки ундан ортиқ инсонлар ўртасидаги нутқий мулоқот эканлиги, ундаги таржимонга керакли бўлган эшитиш, англаш, ёзиб олиш ва ўқиб бериш кўникмалари асосий эканлигини” [18]асос сифатида олиниб, кўникмалар рўйхати шакллантирилди.

Ўзбек тилидан рус тилига ва аксинча оғзаки таржима механизмлари онгни жамлаш, идрок этиш, диққат билан тинглаш ва эслаб қолиш, гаплардаги маънони аниқлай олиш, ўз тажрибасига асосланиб тахмин қилиш қобилияти, бундан ташқари икки мамлакат ва миллат анъаналари, ҳамда маданиятини билиши, тилларнинг грамматик тузилиши билан бирга уларнинг лексик жиҳатларини ҳам билишидан ташкил топади. Оғзаки таржимани қуйидаги зарур бўлган қоидалар асосида амалга ошириш лозим:

нутқ мазмунини аниқ таржима қилиш, “таржима вақтида гапларни кўпайтирмаслик ва камайтирмаслик” шиорига амал қилиш;

таржима давомида гаплардаги асосий маънони англатувчи сўзларни ажратиш;

касбий маҳорат ҳар қандай вазиятда хотиржамликни ва ўзига ишончни сақлаш;

нутқ саводхонлиги (таржимон муаллифнинг хатоларини ҳам тузатиб кетиши назарда тутилади);

вақтга мувофиқлиги, таржима нутқи муаллиф нутқидан узайиб кетмаслиги, ундан қисқароқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади;

табрик нутқи, таъзия ифодаси ва бошқа асосий “клише”ларни билиши лозим.

Таржима қилинаётган нутқнинг сифатига таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжуд, шу жумладан, таржимоннинг инсонийлик омили, яъни бу оғзаки таржима

---

[16] Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – 240 с.

[17] Бенедиктов Б.А. Общие и темпоральные особенности устного перевода и владения языками // Дис. на соиск. докт. психол. наук., Ленинград – 1972 – 331с.

[18] Серова Т.С. Психология перевода как сложного вида иноязычной речевой деятельности. – Пермь: ПГТУ, 2001. – 211 с

жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хатолар, маълум бир соҳада билим етишмаслиги, ҳаяжон, ривожланмаган дикция, содир бўлаётган нарсаларга тезда мослашиш қобилиятининг етишмаслиги, таржимон одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқалар ҳисобланади.

Касбий компетентликни ушбу жиҳатларини ҳам ривожлантириш кераклигини инобатга олган ҳолда оғзаки таржимага бўлажак мутахассисларнинг ўқитиш стратегиясини тузишда аҳамият бериш зарурдир.

Ушбу бобнинг "*Оғзаки таржима жараёнидаги ўзбек ва рус тилларининг асосий хусусиятлари"*деб номланган учинчи фаслида оғзаки таржимадаги тил аспектлари, ўзбек ва рус тилининг фарқли равишда асосий ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбек ва рус тиллари турли тил туркумларига оид бўлишидан ташқари, бошқа фарқлар ҳам мавжуд. Иккала тил ҳам морфологик таснифга кўра аффиксларга эга бўлган тилларга тегишли. Бироқ, шу билан бирга, рус тили флектив ("мослашувчан"), ўзбек тили эса агглютинатив ("боғловчи") тиллар ҳисобланади.

Ўзбек тилида сўзнинг ҳар бир ўзига хос морфологик маъноси алоҳида аффикс билан ифодаланади ва аффикслар маълум кетма-кетлик (агар бир нечта бўлса) асосида қўшилади, натижада, ҳар бир сўз қисмларга бўлиниши мумкин, масалан, касбга алоқадор бўлган сўзларнинг кўплари асосан "-чи" аффикс орқали ифодаланади: ёзув+чи, ўқитув+чи, назорат+чи; рус тилида эса ҳар хил аффикслар ёрдамида ифодаланиши мумкин, масалан: шлифов-щик, учи-тель, кондук-тор ва бошқалар. Демак, икки тилдаги ушбу грамматика қоидаларини фарқлаш ва таржима жараёнида бундай лингвистик хусусиятларни талабаларга ўргатиш зарур.

Рус тилида сўзнинг морфологик маъноси род, сон, келишик (падеж), феълнинг асосий 3 турдаги грамматика қоидаларини ўз ичига олади ва турли йўллар билан шаклланади.

Ўзбек тилида эса ҳар бир гапдаги сўзларнинг ўзига хос кетма-кетлик тартиби мавжуд бўлиб, кесим асосан гапнинг сўнгида келади, рус тилида эса бундай асосий тартиб йўқ. Масалан, ўзбек тилида: "Сен университетга бордингми?", "Талабалар амалиёт пайтида музейга бордиларми?; рус тилида худди шундай гаплар: "Ты ходил в университет?", "Ходил ли ты в университет?", "В университет ты ходил?" вариантларида ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилининг ўзига хослиги яна шундаки, таржимон гапни охиригача эшитмасдан туриб, унинг сўроқ ёки сўроқ гап эмаслигини англай олмаслиги мумкин, бу ҳолат ҳам феъл ва сўроқни англатувчи "-ми" қўшимчасининг охирида келиши сабаблидир, масалан: "Сен университетга *бордингми*?", "Талабалар амалиёт пайтида музейга бордиларми?". Рус тилида гапнинг керакли сўзига урғу берилиши орқали сўроқ маъноси ифодаланиши мумкин ва кейинги бир нечта кўринишга эга бўлиши мумкин: "Ты ходил(а) в университет?", "В университет ты ходил(а)?", "Ходил(а) ли в университет ты?".

Юқорида келтирилган баъзи мисоллар иккала тилнинг грамматик ва лексик хусусиятларини бўлажак таржимонлар томонидан яхши ўрганиши зарурлигини тасдиқлайди.

Мазкур бобнинг *“Оғзаки таржимага ўқитишда “Мультимедиа мажмуаси”ни яратишнинг назарий асослари”* деб номланган тўртинчи фаслида “Мультимедиа мажмуаси*”*ни яратишнинг назарий асослари кўриб чиқилган. *“*Мультимедиа мажмуаси*”* ўз ичига оғзаки таржима жараёнида керак бўладиган барча кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам берадиган элементларни олган электрон воситадир.

Ўқитиш жараёнини инновацион технологияларни қўллаш орқали такомиллаштириш ва янгилаш зарурлигини кўплаб олимлар таъкидлаб келмоқда. Бугунги кун авлоди учун электрон воситалар ва янги ускуналар маълумот ва таълим олишни асосий қуроллари сифатида баҳоланади.[19]

Инновацион дастурлар ва “Мультимедиа мажмуаси”ни ўз ичига олган дарсларда “Z” авлоднинг дарсга бўлган қизиқишининг ортиб бораётганилиги кузатилмоқда, бу эса ўз-ўзидан инновацион дастурларни жорий этиш зарурлигини исботлайди. Н.А. Бороздина бу борада М. Миллер асосларига таянган холда инновацион технологияларни жорий этиш давомида кейинги тамойилларни кўриб чиқишни таклиф этади:

материалларнинг асосий қисмларини визуал ажралиб туриши;

расм ва тегишли матнларнинг яқин жойлашганлиги;

графикларни намоён этиш давомида уларнинг асоси бўлиши;

маълумотларнинг кичикроқ сегментларга бўлиниши;

мураккаб масалаларни тушунтириш учун қўшимча модул ташкил этилиши;

маълумотларнинг аудио ва видео шакллари мавжудлилиги.

Стандарт тақдимотлардан ташқари бугунги кунда “Талабанинг электрон портфолиоси”, “Блогфолио”, Power Point программасидаги тақдимотлар каби электрон восита сифатида мавжуд бўлиб, булар кўпроқ талабаларнинг мустақил ишини ифодалашда қўлланади. Бундай таҳлиллар ҳозирги кунга ва оғзаки таржимани ўқитишга мос келадиган керакли восита сифатида “Мультимедиа мажмуаси”ни яратишни намоён этади. Яратилган мажмуа бугунги кун “Z” авлодининг дарсга қизиқиши ортиши ва шу боис мажмуани қўллаш самарадорлигини тасдиқлаб беради.

“Мультимедиа мажмуаси” ёрдамида амалга ошириладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

бутун ўқув жараёнини тузиш, вақтни дарснинг зарур бўлимларига тақсимлашда кўмаклашади;

барча талабаларни керакли манбалар, қизиқарли дарс материаллари билан таъминлашда қўл келиши;

ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб, вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишда ёрдам беради;

[19] Бороздина Н.А., 2019 «Презентации, электронные портфолио и блогфолио в иноязычном образовании: методические принципы и критерии эффективности».

сараланган машқлар ёрдамида икки (ўзбек ва рус) тилида оғзаки таржима кўникмалари ва саводхонлигини ривожлантиришда асқотади;

дарсларга тайёргарлик кўришда қулай ва тез яратилиши билан қўл келади (олдиндан тўпланган тайёр маълумотлар бўлса, у жуда тез тайёрланади);

мажмуа асосида бошқа фанларга ҳам ўзига хос янги "Мультимедиа мажмуаларини" яратиш имкони яратилади;

"Мультимедиа мажмуаси" нинг ажралмас қисми интерактивликдир, бу ўқув моделининг асосини ташкил этади, бунинг натижасида дарснинг:

оғзаки таржимада зарур бўладиган кўникмаларни шакллантиришда қизиқарли ва самарали усуллари қўлланади;

ҳар бир талабанинг ўзига хос ўзлаштириш вақтини ҳисобга олган ҳолда аудитория ва аудиториядан ташқарида бўлган ишини амалга оширишга ёрдам беради;

талабаларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини яратиб беради;

дарс давомида инидивидуал ҳамда барча талабаларнинг билимларини текшириш имконини беради.

Диссертациянинг **"Мультимедиа мажмуаси" таркиби ва оғзаки таржимага ўқитиш жараёнини инновацион технологиялар ёрдамида ташкил этиш шакллари"** деб номланган иккинчи бобида асосий оғзаки таржима учун зарур бўлган тинглаш, эслаб қолиш ва гапириш каби кўникмаларни оғзаки таржимада асослари деб аниқлаш ва уларни ривожлантирувчи машқлар таснифини шакллантириш ҳамда мажмуанинг таркиби ва ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари баён этилган.

Иккинчи бобнинг "*Оғзаки таржимани ўргатиш жараёнида зарур кўникма ва малакаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тинглаш, эслаб қолиш ва сўзлаш хусусиятлари"*деб номланган фаслида кўплаб тадқиқот ишлари, маанбалар ва китоблар тавсифи, оғзаки таржимадаги асосий керакли кўникмалар аниқланган.

Кўникмалар ва малакалар тавсифланиши мавзуси кўплаб тадқиқотчиларнинг асарларида етарлича ўрганилган. Биз қуйидаги олимларнинг асарларида кўриб чиқилган маълумотларга таянамиз: Н.Н. Гавриленко, Н.И. Гез, Н.В. Елухиной, Г.Г. Жарковой, К.И. Крупник, Р.К. Миньяр-Белоручевым, Б.П. Следниковым, Л.П. Смирновой, С.К. Фоломкиной. А. Леонтьевнинг фикрига кўра, оғзаки таржима жараёнида керак бўладиган асосий кўникмалар уч тоифага ажратилади, биз олимнинг фикрига қўшимча равишда ўз тоифаларимизни яратдик, булардан:

*биринчи тоифага:* грамматика даражасида жумла схемасини аниқлаш; она тилидаги ўхшаш тушунчаларга нисбатан нотаниш тушунча ва сўзларни аниқлаш; грамматик сўз шаклларини тахмин қилиш; асосий маълумотларни эслаб қолиш ва хотирада сақлаш, шу пайтнинг ўзида асосий маълумотларни аҳамиятга эга бўлмаган маълумотлардан ажратиш; алоҳида сўзларнинг маъносини битта семантик бутунликка бирлаштириш;

*иккинчи тоифага*: эшитиш вақтида асосий маълумотни ажратиш; кейинги таржима учун асосий маълумотларни таъкидлаш; эшитиш давомида исмлар, саналар, кунлар ва сонларни тўғри аниқлаш; семантик ва оғзаки тахминлар асосида сўзларни тахмин қилиш;

*учинчи тоифага* ўзига хос характерга эга бўлган тинглаш қобилиятлари ва кўникмалари киради: қабул қилинган хабар маълумотларини хотирада сақлаш ва кейинчалик таржима қилиш жараёнида фойдаланиш; хабар мазмунининг асоси бўлган мақсадларни таржима қилиш; лексик ва грамматик ўзгаришларни амалга ошириш.

Р. Миняр-Белоручевнинг фикрига кўра: "Дастлабки босқичда умумий кўникма ва қобилиятларни ишлаб чиқиш маълум услубий фойда келтиради, чунки ҳар-хил турдаги таржиманинг айрим турлари бўйича босқичма-босқич ўргатиш базаси яратилади". [20]

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган олимларнинг ишлари асосига кўра, оғзаки таржимани ўқитишда ўзбек-рус, рус-ўзбек йўналишига хос қобилиятларни ажратиб олиш ва тавсифлаш натижасида, оғзаки таржимани ўқитишдаги "эшитиш", "эслаб қолиш" ва "гапириш" – асосий бўлган кўникмалар деб топилди.

Шу бобнинг "*Мультимедиа мажмуасида" оғзаки таржима қилиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича машқларнинг таснифи"*деб номланган фаслида юқорида баён этилган учта асосий кўникмалар асосида йўналишимизга мос тасниф ишлаб чиқилган.

Академик И. Рахманов биринчилардан бўлиб оғзаки таржимага ўқитиш бўйича ва тил маданиятини ўрганиш мақсадида машқларни таснифлаган[21]. Олим уч турдаги машқларни тузди: тилшунослик ва нутққа оид машқлар; матнга тегишли ва матн билан боғлиқ бўлмаган машқлар; таржима ва таржимасиз машқлар.

Кўплаб манбаларни таҳлил қилиш ва ўз қарашларимиз асосида биз учта асосий оғзаки таржимага оид эшитиш, эслаб қолиш ва гапириш кўникмаларига кўра машқларнинг таснифини ишлаб чиқдик.

Биринчи таснифга биз тинглаш қобилиятини ривожлантирадиган машқларни киритдик (эшитган нутқнинг семантик таҳлили):

тинглаш машқлари (эшитиш орқали таржима қилиш машқлари);

нутқдаги асосий сўз ва ибораларни ажратиш ва асл мазмунини англаш машқлари (эга+кесим, подлежащее+сказуемое);

сўзларнинг маъносини тушунишга доир машқлар (луғат билан ишлаш);

матнни қисмларга ажратиш ва уларнинг асосий маъносини топиш малакасини ошириш машқлари, масалан: Қаерда+қачон+нима қилинди? Бошқа мамлакатларнинг кўрсаткичларда фарқли томони *Ўзбекистонда 2021 йилда 7,4 млн тонна дон маҳсулотлари етиштирилди*;

тахмин қилиш кўникмасини ривожлантириш машқлари;

грамматик, лексик машқлар;

кичик монологларни, интервьюларни таржима қилишда барча кўникмаларни ривожлантириш машқлари.

Иккинчи таснифга эслаб қолиш ва диққатни жамлаш маҳоратини ривожлантириш машқлари киради:

---

[20] Р. К. Миньяр-белоручев. Методика обучения переводу на слух. М: 1959.-183 с

[21] Рахманов, И.В. Проблема рецептивного и репродуктивного овладения иностранным языком в школе / И.В. Рахманов // М.: высшая школа, 1954. – 84 с.

овоз чиқариб санаш, ичда ўқилган маънони эслаб қолиш ва гапириб бериш машқлари;

рақамлар билан ишлаш машқлари;

атоқли отлар, саналар, ойлар, ҳафталар номини эслаб қолиш машқлари;

кичик матнларни ёдлаш ва қайта ҳикоя қилиш машқлари;

график белгилар билан керакли сўзларни ёзиш учун машқлар.

Учинчи таснифга нутқ маҳоратини шакллантирувчи машқлар киради (гапириш):

турли мавзуларда қисқартирилган ибораларни ёдлаш учун машқлар: саломлашиш, миннатдорчилик билдириш, табриклаш, таъзия билдириш ва бошқалар;

рус ва ўзбек тилларида эквивалентларни тез топиш машқлари;

риторика, дикцияни ривожлантириш машқлари (мақоллар, тил грамматикаси, матнни ифодали ўқиш);

изохлашни машқ қилиш;

иккала тилнинг лексикасини ўргатувчи машқлар;

ўзбек тилидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига ўтиш машқлари.

Шу боис асосий кўникмалар ва мияни ривожлантирувчи машқлар ўзбек ва рус тилларини такомиллаштириш мақсадида сараланди ва татбиқ этилиб, уларнинг самараси ўрганилди.

Ушбу бобнинг “*Мультимедиа мажмуаси” нинг тузилиши ва таркиби”* деб номланган фаслида “Мультимедиа мажмуаси”нинг таркиби ва тузилиши ифодаланган.

“Мультимедиа мажмуаси” махсус оғзаки таржимага оид самарали машқларни ўз ичига олган ва улар:

аввалги олинган билимларни чуқурлаштиришга, эслаб қолишга ва керакли кўникмаларни амалда қўллаб, ривожлантиришга ёрдам беради;

маълумотларни қабул қилиш яхшилаш, таржимонлик кўникмаларини шакллантириш учун миянинг турли ҳил қисмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади;

мажмуага киритилган махсус программалар киритилиши орқали дарс жараёнига қизиқишни ошириш;

талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашда оралиқ назоратлар (тест ва ёзма машқлар)ни ўз ичига олган программалар ёрдамида амалга ошириш имкониятини беради.

Мисол тариқасида диссертацияда кўрсатиб ўтилган “Мультимедиа мажмуаси”нинг бир қисми “Оммавий чиқишлар”га бағишланган дарс учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда;

оғзаки таржима жараёнида керак бўладиган аудио, видеолар;

мослаштирилган матнлар;

керакли кўникмаларни (эшитиш, эслаб қолиш, сўзлаш) ривожлантиришга қаратилган машқлар;

луғат билан ишлаш вазифалари;

хотирани кўчайтириш машқлари;

талаффузни равон қилиш машқлари;
мустақил иш учун вазифалар;
интерактив программалар “Kahoot”, “Geopardy”;
ва онлайн тестлар киритилган.

Расм 2.3.1. “Мультимедиа мажмуаси”

Дарс давомида “Мультимедиа мажмуаси”ни татбиқ этиш орқали талабаларни мустақил таълимга кўпроқ урғу бериш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, компьютер саводхонлигини ошириш ва оғзаки таржима жараёнида кўп учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчи бобнинг *“Оғзаки таржимани ўқитиш жараёнида масофавий таълим тизимида “Мультимедиа мажмуаси”*деб номланган тўртинчи фаслида бутун дунёда, шунингдек, мамлакатимизда рўй бераётган глобал ўзгаришлар, олий таълим муассасаларида малакали кадрларни тайёрлашга янги талабларнинг қўйилиши муносабати билан масофавий таълим масаласи ва унинг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталинган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Мулъти**мед**иа мажмуаси”нинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба ишлари”** деб номланади.

Бўлажак ўзбек-рус, рус-ўзбек йўналиши таржимонларини оғзаки таржимага ўқитиш жараёнида асосий кўникмаларини ривожлантирувчи тасниф этилган машқлар ва уларни “Мультимедиа мажмуаси” орқали жорийлаштириш ҳамда самарадорлигини тажриба-синов йўли билан текшириш ушбу босқичнинг мақсади ҳисобланди.

